Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

XДP — O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2012-yil, 26-yanvar. Payshanba • 11 (31.443) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Муносабат

## ФАОЛИЯТИМИЗНИ КУЧАЙТИРИШИМИЗ ЗАРУР

**Президентимизнинг 2011 йил якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан чуқур ўрганилмоқда ва олдинда турган вазифалар белгилаб олинмоқда.**

**Нурдинжон ИСМОИЛОВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Ҳар йили мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ишларнинг якунлари ва навбатдаги устувор йўналишларни белгилаб олишга бағишланган йиғилишда парламентимиз аъзолари иштирок этади. Албатта, бу жуда катта аҳамиятга эга.

Бу, биз учун ўз ишимизга одилона ва танқидий баҳо бериш, келгусида қонунчилик ва назорат-таҳлил соҳасидаги фаолиятимизни мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш имконини яратади.

Муҳтарам Президентимиз ўз маърузаларида 2011 йилда мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланганини алоҳида таъкидлади. Ҳар томонлама таҳлил асосида қайд этилган факт ва хулосалар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши мамлакатимизда ўз вақтида ва тўғри чоралар кўрилганини яққол тасдиқлаб турибди.

Шунингдек, бошқа омиллар, айниқса, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва миллий давлатчилигимиз тарихида янги ривожланиш босқичини белгилаб берган Концепция, шунга асосан давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ва унинг дастлабки якунлари ҳам республика ривожида ўз самарасини берганини таъкидлаш лозим.

Қисқа вақт ичида Президентимиз ташаббуси билан парламентнинг ролини кенгайтириш, ижроия ҳокимиятни ислоҳ этиш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш борасида кўп ишлар қилинди. Энг муҳими, депутатлар, фракциялар ва қўмиталар ўзларининг жамият олдидаги, сайловчилари олдидаги масъулиятини борган сари чуқур англамоқда. Ижро ҳокимиятининг масъулияти тобора ошиб бормоқда ва бу уларнинг зиммасидаги вазифани самарали адо этишга ундамоқда. Бир сўз билан айтганда, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ўртасида ўзига хос муносабат шаклланди. Бош вазир ва ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назорати, унинг янги механизмлари яратилди.

Ўтган йил якунлари ҳақида гапирадиган бўлсак, алоҳида эътиборга лойиқ жиҳатлар кўп. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кўп ишлар қилинди, натижада тадбиркорлар сафи кенгайди, минглаб янги иш ўринлари яратилди, тадбиркорлик субъектларини текширишлар камайди, рухсат беришнинг бир неча турлари олиб ташланди, тадбиркорлар билан давлат идоралари, назорат органлари ва тижорат банклари ўртасидаги муносабатларда ҳар қандай тушунмовчиликлар тадбиркорлар фойдасига ҳал бўлиши таомилга кирди.

Бу имкониятлар тадбиркорларни жуда руҳлантирганига жойлардаги учрашувларда амин бўлдик.

Президентимиз маърузаси бизни ҳам ўз ишимизни самарали ташкил қилишимизни, қонунчилик фаолиятига янада жиддий киришишимизни, айниқса, қонунчилик жараёни ислоҳотлардан орқада қолиб кетмаслигини таъминлашимизни, партия ғоялари ва дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳалари юзасидан фракциялараро рақобатни жонлантиришимизни тақозо этади. Ўйлайманки, бунга кучимиз ва тажрибамиз етади.

*(Давоми 2-бетда.)*

**ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч**

## ПАРТИЯ АЪЗОСИ БЎЛИШ

***демократик ислоҳотларда фаол иштирок этишдир***

2-бет

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» маърузасида иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўлланилаётган ноанъанавий ёндашув ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.







## БАНКРОТЛИКДАН — РИВОЖЛАНИШ САРИ

*Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси юксак самаралар бермоқда*

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармони бу соҳада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, тижорат банклари томонидан иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш, улар негизида замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш борасида юксак самараларга эришилмоқда.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириш бўйича кўрилган мақсадли чора-тадбирлар самарасида банкларнинг иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти кенгайиб бормоқда. Сўнгги ўн йилда банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошгани фикримизнинг тасдиғидир.

Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш бўйича мамлакатимизда жорий этилган ўзига хос ноёб механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритиш, бундай корхоналарда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, замонавий бошқарув усулларини татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

*(Давоми 2-бетда.)*

Тадбир

**Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда шаҳар маънавият тарғибот бўлими томонидан Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарини ўрганишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

## ИСТИҚЛОЛ ТАРИХИ КИТОБИ

Унда шаҳар маънавият тарғибот бўлими раҳбари Ҳабиба Қурбонбоева китобнинг мазмун-моҳияти ва Истиқлол тарихини ўрганишда муҳим манба эканини баён этди.

Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Маҳмуд Эгамбердиев китобни барча юртдошларимиз мустақил ўрганиши, истиқлол тарихини ўрганиш бугунги ёруғ кунлар қадрига етишга хизмат қилишини таъкидлади.

Шунингдек, бу китобни, айниқса, ёшлар чуқур ўрганиши лозимлиги ва бунинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Ҳакимжон ФОЗИЛОВ,**
**Жиззах шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.**

Диққат, танлов!

## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» VII Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.**

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2011 йилнинг 31 мартидан 2012 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2012 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.** Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
— фаол фуқаролик позицияси учун;
— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— Мустаҳкам оила йилига бағишланган энг яхши материал учун;
— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
— энг яхши журналистик текширув учун;
— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
— энг яхши режиссёрлик иши учун;
— энг яхши матбуот хизмати;
— энг яхши фоторепортаж учун;
— энг яхши карикатура учун;
— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Олтин қалам» танлови ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:**

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2012 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30, 35, 37-хоналар.
***Телефонлар:*** 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.

*www.Journalist.uz*



## Оила ҳақидаги ҳикматлар

***Оила қураётганлар шундай маслаҳатга риоя қилишсин: ҳар бир одам давлат манфаатига мос келадиган оила қурсин, бунинг иложи йўқ дейилганда ҳам чорасини топсин.***

**АФЛОТУН**

O‘zbekiston havo yo‘llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
*Хизматлар лицензияланган*

# БАНКРОТЛИКДАН — РИВОЖЛАНИШ САРИ

## *Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси юксак самаралар бермоқда*

Ҳозиргача тижорат банклари балансига берилган 164 банкрот корхонанинг 156 тасида ишлаб чиқариш қайта тикланди. Қайд этиш керакки, банклар томонидан бу корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари учун 275 миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди, 22 мингдан зиёд иш ўрни ташкил қилинди.

Банклар инвестициялари ҳисобига фаолияти қайта тикланган, технологик жиҳатдан янгиланган корхоналар янги инвесторлар эътиборини тобора кўпроқ тортиши табиий, албатта. Банклар томонидан ана шундай 110 корхонанинг янги инвесторларга сотилгани бу фикрнинг тасдиғидир.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирларига оид фармони ижроси доирасида 66 иқтисодий ночор корхона банк балансига ўтказилган эди. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг 28 таси янги мулкдорларга сотилган, 36 корхонада ишлаб чиқариш фаолияти қайта тикланган, иккита корхонада модернизациялаш ишлари давом этмоқда.

Банк балансига олинган корхоналарни самарали бошқариш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, фаолияти тикланган корхоналарни инвесторларга сотишни ташкил этиш мақсадида «NBU Investment» ва «NBU Invest Group» шўъба компаниялари таъсис этилган. Мазкур компаниялар тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат саноати корхоналарида, чарм, мўйна, пойабзал, кабель-сим, целлюлоза-қоғоз, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қувватларда самарали бошқарувни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Миллий банки томонидан банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни қайта тиклаш, модернизациялаш ва уларни зарур айланма маблағлар билан таъминлаш учун 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 116,2 миллиард сўм ҳажмида маблағ йўналтирилган. Банкнинг ушбу инвестициявий кўмаги натижасида истиқболсиз корхоналарда эскирган ускуналар янгиланди, замонавий хорижий технологик линиялар ўрнатилди. Бўшаб қолган цехларга яна ишчилар қайтди, бозорга ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотлар кириб кела бошлади.

**Ҳозирги пайтда банк балансига ўтказилган барча корхоналарни молиявий соғломлаштириш, техник ва технологик модернизациялаш ҳамда ушбу корхоналарда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича бизнес-режалар ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқариш фаолияти бошланган 47 корхонада 6 минг иш ўрни яратилган, улар томонидан 276,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, 69,5 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинган.**

Қорақалпоғистон Республикасидаги «Nukus Textile» масъулияти чекланган жамияти фаолияти тўхтаб қолган, унинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширишни талаб этарди. Корхона Ўзбекистон Миллий банкининг шўъба инвестиция компанияси бошқарувига ўтказилгач, ишлаб чиқаришни тиклаш бўйича комплекс дастур амалга оширилди ва бу қисқа фурсатда корхонани қайта ташкил этиш имконини берди. Шу мақсад учун 18,2 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Корхонада муҳандислик коммуникациялари қайта тикланди, ишлаб чиқариш линияларида таъмирлаш-профилактика ишлари бажарилди. Бугунги кунда «Nukus Textile» масъулияти чекланган жамиятида қарийб 100 киши меҳнат қилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги трикотаж маҳсулотларига мамлакатимиз ва хориждаги харидорларнинг қизиқиши катта.

«Nukus Textile» фаолияти қайта тикланганидан буён умумий ҳажми 3,5 миллиард сўмлик, жумладан, ўтган йилда 3,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши қисқа давр ичида ишлаб чиқариш жараёни ва аввалги истеъмолчилар билан алоқаларни қайта тиклаш баробарида ташқи бозорда янги шериклар топиш имконини ҳам берди. Хусусан, 2011 йилда корхона томонидан 258,3 минг АҚШ долларига тенг қийматдаги маҳсулот экспорт қилинди.

Очиқ акциядорлик тижорат «Капиталбанк» ҳам истиқболсиз деб топилган корхоналар фаолиятини қайта тиклашда фаол иштирок этаётган молия муассасаларидан. Мазкур банк балансига берилган «Уйчи Йигирув-Тўқув» ва «Кулол» очиқ акциядорлик жамиятлари негизида «Kap-teks» масъулияти чекланган жамияти ва «Kapsantex» корхонаси ташкил этилди. «Kap-teks» корхонасида йилига 7,3 минг тонна ип ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий йигирув ускунаси ўрнатилди, 220 иш ўрни ташкил этилди. Бу ерда қисқа вақт ичида 1,96 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 540 минг АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги йигирилган ипни экспорт қилишга эришилди. Айни пайтда корхонада йиллик қуввати 2,8 минг тоннани ташкил этувчи янги йигирув линиясини ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Банк томонидан 6,2 миллиард сўмлик инвестиция йўналтирилган «Kapsantex» корхонасида эса реконструкция, қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

**Яна бир мисол. Самарқанд вилоятидаги банкрот деб эълон қилинган музқаймоқ ишлаб чиқариш корхонаси «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки балансига ўтказилгач, ушбу корхона «Samarkand Agromuz» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди. Киритилган инвестиция ҳисобига корхона цехи ва ёрдамчи бинолари таъмирланиб, замонавий ишлаб чиқариш ускуналари харид қилинди. Турли хил музқаймоқ ва саккиз хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, ўнлаб кишилар иш билан таъминланди.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг номи қайд этилган фармони асосида иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш борасида яратилган механизм яна бошқа кўплаб корхоналар мисолида ҳам ўзининг юксак самараларини намоён этмоқда. Илгари дарвозасига қулф урилган корхоналарга яна файзу барака кирмоқда. Экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, минглаб одамлар доимий ишга ва даромад манбаига эга бўлмоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига, халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилаётир.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Муносабат

# ФАОЛИЯТИМИЗНИ КУЧАЙТИРИШИМИЗ ЗАРУР

**Фахриддин РАЖАБОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Дунёда нотинчлик ва молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сурган бир вақтда, ўтган йили мамлакатимизда муҳим дастурлар амалга оширилди, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Йил якунларига бағишланган йиғилишда таъкидланганидек, ялпи ички маҳсулот 8,3 фоизга ўсди, хусусан, саноат ишлаб чиқариши 6,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6, чакана товар айланмаси 16,4, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга кўпайди. Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 11,2 фоизга ортди. Инфляция даражаси белгиланган параметрлардан ошмади. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз профицит билан ижро этилди. Бюджет харажатларининг 58,7 фоиздан кўпроғи ижтимоий соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлашни молиялаштиришга йўналтирилди.

Қайд этиш жоизки, 2011 йил давомида ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини изчил ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, иш ҳақи 20,2, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар эса 26,5 фоизга ошди. Аҳолининг реал даромадлари бир йилда 23,1 фоизга кўпайди. Кейинги ўн йилда аҳоли даромадларидаги фарқ коэффиценти 21,1 баробардан 8,3 баробаргача қисқарди.

Бандликнинг ҳудудий дастурларини амалга ошириш натижасида 970,9 мингта янги иш ўрни ташкил этилгани, шундан 68 фоизи қишлоқ жойларда очилгани, айниқса, қувончли. Бунинг барчаси оилаларнинг даромад манбаи кўпайишига, аҳоли турмуш фаровонлиги ва эртанги кунга ишончи ошишига мустаҳкам замин яратди.

2011 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича умумий майдони 1,1 миллион квадрат метр бўлган 7,4 мингта якка тартибдаги уй-жой қурилди.

**Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бундай кўламли ишлар жорий йилда янада изчил давом этади. Мамлакатни истиқболли ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари белгиланди. Бунда, хусусан, иқтисодиётни ўстиришнинг юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойлар қуриш Дастурини амалга ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ва бошқа муҳим вазифалар ижросини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.**

Шундан келиб чиқиб, иқтисодиётда қулай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлик янада ривож топиши учун қулайликлар туғдириш, бу борада қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш Қонунчилик палатаси олдида турган муҳим вазифадир. Шу билан бирга, 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси юзасидан кучли парламент назорати ўрнатиш, айни пайтда, дунёда бўлаётган ўзгариш ва ҳодисалар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳияти бўйича аҳоли орасида тушунтириш ишларини кучайтириш лозим.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

# ПАРТИЯ АЪЗОСИ БЎЛИШ

## демократик ислоҳотларда фаол иштирок этишдир

**Юнусобод туманида 134 та бошланғич партия ташкилоти бор. Шулардан 54 таси маҳаллада, 20 дан ортиғи тиббиёт муассасаларида ташкил этилган. Бошланғич ташкилот етакчилари ва аъзолари ўз фаоллиги, ташаббускор ва жонкуярлиги билан партия дастурий ғояларини амалга ошириш, обрў-эътиборини кучайтиришга ҳисса қўшиб келмоқда. 2-болалар стоматология поликлиникасидаги партия қуйи бўғини фаоллиги билан ажралиб туради.**



*Суратда: БПТ етакчиси Ҳ.РАҲИМОВА (ўнгдан иккинчи) партия фаоллари билан.*

— Жамоамизда 115 нафардан ортиқ тиббиёт ходими хизмат қилади, — дейди **поликлиника бош шифокори Алишер Нурмуҳаммедов.** — Улар асосан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар саломатлиги учун жон куйдиради. Тумандаги 24 та мактаб, 2 та Меҳрибонлик уйига навбатчи врачлар бириктирилган. Ходимларимиз маҳалла ва хонадонларда бўлиб, соғлом турмуш тарзи, тиббий маданият, она ва бола саломатлиги масалаларида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боради. Бунда 51 нафар ЎзХДП аъзосининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Партиямизнинг дастурий мақсадларини кенг тарғибот қилиш, уларнинг изчил амалга ошиши учун курашиш асосий вазифамиздир, — дейди **бошланғич ташкилот етакчиси Ҳамида Раҳимова.** — Бошланғич ташкилот аъзоларига аниқ партиявий вазифалар юкланган. Сиёсий-ҳуқуқий, маърифий тадбирларга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Хусусан, бошланғич ташкилотлар, депутатлар фаолияти ҳақидаги мақолалар ва адабиётларни йиғилишларимизда қизғин муҳокама қиламиз. Фаолиятимизни кучайтириш, одамлар ишончига сазовор бўлиш учун кўпроқ нималарга эътибор қаратиш зарурлигини ўрганамиз.

— Уч йилдан буён ЎзХДП аъзосиман, — дейди **врач-стоматолог Нигора Муҳаммедова.** — Тўртта сиёсий партия дастурини ўрганиб чиқиб, Халқ демократик партияси ғоялари мақсад ва фаолиятимга яқин бўлгани учун шу партияга аъзо бўлдим. Сиёсий партия аъзоси бўлиш — бу сен ҳам сиёсатчисан, демократик ислоҳотларнинг фидойисисан, дегани. Шунинг учун партиямиз сафига кирган ёшларга ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишида ёрдам бериш, воқеликка холис ва тўғри муносабат билдириш қобилиятини шаклланишига астойдил кўмаклашишимиз зарур...

**Ҳақиқатан ҳам, сиёсий партиянинг дастурий мақсадларига эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун партиянинг ҳар бир бўғинида, айниқса, бошланғич ташкилотда иш тўғри ташкил қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билими қанча юқори бўлса, бошланғич ташкилот шунча фаол ва мустаҳкам бўлади. Бу эса сиёсий партия куч-қудрати, салоҳиятини белгилайди.**

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

# СОҒЛОМ ОИЛА — ФАРОВОН ҲАЁТ ДЕМАКДИР

**«Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент вилояти бўлими Мустаҳкам оила йили муносабати билан «Оила — ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг муҳим маскани» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши, Тошкент вилоят партия кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

Сўзга чиққанлар республикада оилаларга қаратилаётган эътибор, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинаётган қарорлар, уларнинг жойлардаги ижроси тўғрисида фикр-мулоҳаза юритишди. Ота ва онанинг фарзанд тарбиясига масъуллиги, келажак авлод соғлом, баркамол бўлиб вояга етишида оиладаги муҳит катта аҳамиятга эга эканини таъкидлашди. Тадбирда ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимини ошириш борасида «Истиқбол» ёшлар қаноти амалга ошираётган ишлар таҳлил қилинди.

**Мухтасар АБДУРАҲМОНОВА,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раҳбари:**

— Ҳаёт бор экан, оила бор. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, ҳаётимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради.

Ҳозир республикамизда 7 миллионга яқин оила мавжуд. Соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш, ёшлар тарбияси, маънавий камолоти, таълим олиши ва бандлиги масаласи ҳамиша давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Фарзанд камолоти оилавий тарбияни тўғри йўлга қўйишдан бошланади. Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар болада Ватанга муҳаббат, уни қадрлаш каби юксак туйғуларни шакллантиради.

**Гулсанам ВАҲОБОВА,**
**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раҳбари:**

— Фарзанднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида она саломатлиги муҳим ўрин тутади. Чунки соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Шунинг учун биз никоҳдан олдинги тиббий кўрик масаласига алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Қизларни болалигидан ўз соғлигига эътиборли қилиб тарбиялаш зарур. Улар бўлажак она ҳисобланади. Биз бу борада жойларда турли тадбирлар ўтказиб келаяпмиз. Қизларни эрта турмушга узатиш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бораяпмиз. Бунда партия ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғини, таълим муассасалари ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш яхши самара беради.

**Шоира АБДУЖАЛИЛОВА,**
**педагогика фанлари номзоди, «Оила» илмий-амалий маркази вилоят бўлими раҳбари:**

— Ёшлар маънавиятининг шаклланиши ва юксалишида оиланинг ўрни ва таъсири беқиёс. Чунки ҳар бир инсоннинг илк ҳаётий тушунча ва тасаввури, аввало, оилада шаклланади.

Илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон умри мобайнида тўплайдиган ахборотнинг етмиш фоизини етти ёшгача бўлган даврда олар экан. Демак, ота-она унга керакли шарт-шароитни шу даврда яратиб бериши лозим. Айнан шу даврда унинг ички дунёси, маънавий олами шаклланади. Бола ҳамма яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлайди. Шунинг учун оилаларда соғлом муҳит яратиш ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутади.

**Ҳасан НЕЪМАТОВ,**
**Тошкент давлат аграр университети талабаси, Қибрай туман «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:**

— Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, жамият тараққиётидаги иштирокини кучайтириш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш мақсадида иш олиб бораётган қанот сафига туман миқёсида 300 нафарга яқин йигит-қиз бирлашган. Қанот фаоллари ёшларни қизиқтираётган масалалар, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқмоқда, депутатлик гуруҳларига ҳавола қилмоқда. Шунингдек, ҳудудда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари ҳам қанот эътиборида. Бу масалалар ўз вақтида ечим топса, ёшларнинг нафақат оиласига, балки жамиятга ҳам нафи тегади.

Давра суҳбати интерфаол усулда ўтди. Тадбир сўнгида мутахассислар ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Бугуннинг мавзуси

# ЯНГИ ЙИЛ БАРАКАЛИ КЕЛМОҚДА

*Бу йил қор кўп ёғдими?.. Қишнинг серёғинлиги тегишли вазирлик ва ташкилотларни сергакликка чорласа, деҳқонларимизни қувонтирмоқда...*

Қор аслида ернинг ризқи, шунинг учун ҳам далаларга қанчалик кўп қор ёғса, бобо деҳқонларимиз шунчалик қувонишади. Чунки, қор ва ёмғирнинг мўллиги ёз фаслида сув бемалол бўлишига замин яратади.

Шу ўринда савол туғилади. Бу йилги қишимизда ҳақиқатан ҳам ёғингарчилик кўпроқ бўлаяптими?

Биз бу саволга жавоб олиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази Бош директорининг биринчи ўринбосари **Бахтиёр ҚОДИРОВга** мурожаат қилдик.



— Ҳа, тўғри, кечаги куз ва бу йилги қишнинг ўтган ойларида ёғингарчилик меъёридагидан анчагина кўп бўлди. Кейинги икки йилда ёғингарчилик меъёрига нисбатан кам бўлган эди. Шу боис ёзда вилоятларда сув таҳчиллиги сезилди.

2011 йил октябрь ойида республикамизнинг катта қисмида ўртача миқдордаги намлик кузатилди. Фақат Қорақалпоғистон Республикасининг аксарият, Навоий вилоятининг шимолий, шунингдек, Хоразм, Сурхондарё ва Наманган вилоятларининг айрим туманларида ойлик ёғин миқдори меъёрига нисбатан бироз кам бўлди. Жанубий туманларда эса ўша ойда меъёрга нисбатан ёғингарчилик анча кўп бўлди. Аниқроқ айтганда, бу — ойлик меъёрга нисбатан 2,5-4,5 баробар кўп деганидир.

Ноябрь ойида ҳам шимолий туманлардан бошқа ҳудудларда намгарчилик етарли бўлди. Яъни кўпгина ҳудудларда ойлик ёғин миқдори меъёридан 2-5 мартагача, Фарғона водийсида эса 5-8 мартагача, Сурхондарё вилоятининг айрим жойларида 10-16 мартагача кўп бўлди.

Декабрь ойининг охирига келиб, қор захиралари дарё ҳавзаларида ва юқори қисмда нотекис тақсимлангани ойдинлашди. Жойлардаги қор ўлчаш масканлари берган маълумотга кўра, Чирчиқ дарёси ҳавзасининг қор захираси меъёрдан анча кўп, яъни, 200-240 фоиз, Псков дарёси ҳавзасида 120-140 фоиз, Вахш дарёси ҳавзасида 190 фоиз, Қашқадарё ҳавзасида эса 110-150 фоиз. Бу қувонарли, ҳолдир албатта.

Ўтган йилнинг октябрь-декабрь ойлари кўрсатгичини кейинги кўп йиллар билан таққослаганда, шу ҳол ойдинлашадики, мамлакатимизнинг катта қисмида ёғин ёғиши 1,5-2,5 баробарга, Сурхондарё вилоятининг айрим жойларида 4-5 баробарга ортган. Бу кўрсаткич қишнинг биринчи ярми серёғин келганидан далолат беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, 2010 йилнинг октябрь-декабрь ойларида мамлакатимиз ҳудудларида қуруқ об-ҳаво кузатилган эди. Ёғин миқдори меъёрдан анча кам бўлган, атиги 20-40 фоизни ташкил этган. Қор захиралари эса ўтган йил декабрь охирида Вахш дарёси ҳавзасида 0 дан 37 фоизгача, Чирчиқ дарёси ҳавзасида 0 дан 10 фоизгача бўлган, холос. Баландлиги 2000 метргача бўлган тоғли ҳудудда қор қоплами деярли кузатилмаган. Ундан баланд тоғли ҳудудда қор қоплами меъёридан анча кам, яъни бор-йўғи 20-50 фоиз экани қайд этилган. Шу маънода, янги йил баракали келмоқда, десак, хато бўлмайди. Табиийки, кейинги ойлар об-ҳавоси ҳар бир кишини қизиқтиради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қишнинг охирги ойи ва баҳорнинг илк мавсумида ёғин-сочин миқдори меъёрида бўлади.

Она табиатнинг саховати деҳқонларимизни қувонтирса-да, бошқа соҳа эгалари учун бирмунча қийинчилик туғдираётгани сир эмас. Шу боис Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вилоятлардаги бошқармалари билан боғланиб, фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш учун қандай ҳозирлик кўрилгани билан қизиқдик.

— Вилоятимизнинг асосий қисми Угам-Чотқол тоғ тизмаси этагида жойлашган, шу боис қор ва ер кўчкиси билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар хавфи юқори ҳисобланади, — дейди **Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Сайфулло Хўжамов.** — 2011-2012 йиллар қиш мавсумида бундай фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда содир бўлганда бартараф этиш учун бир қанча ишлар қилинди. «Қамчиқ» довонидан ўтувчи халқаро аҳамиятга молик «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлида хавфсизлик ва йўлнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш учун «Ўзгидромет» ва Хавфли геологик жараёнларни кузатиш Давлат хизмати билан бирга йўлнинг 108-144 километри оралиғи ўрганиб чиқилди ва зарур профилактик чора-тадбирлар белгилаб олинди. Автотрассанинг 5 та жойида Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тегишли хизматлар билан биргаликда йўлназорат гуруҳлари навбатчилиги, шунингдек, марказий бошқарув Штаби ҳам ташкил этилди.

Фавқулодда вазият рўй берса аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, қутқариш ва эвакуация қилиш учун «Қамчиқ» қидирув-қутқарув ва Олмалиқ қутқарув отрядлари доимий шай ҳолатда. Йўловчилар ҳамда фуқаро муҳофазаси хизматлари узлуксиз алоқа алмашинуви йўлга қўйилган «Тошкелеком» АКнинг 3 та халқаро сўзлашув пункти шу мақсадга хизмат қилмоқда. Автотрассада етарлича қум-туз захиралари мавжуд.

Паркент ва Бўстонлиқ туманларида ҳам вазият шундай. Бўстонлиқ туманининг тоғли ҳудудларида яшовчи аҳоли ва сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш учун «Чорбоғ» ва «Чимён» қутқарув гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Чирчиқ тез ҳаракат қилиш махсус отряди ва Олмалиқ қутқарув отрядлари ҳам доимий шай ҳолатда. Улар зарур техника, асбоб-анжомлар билан таъминланган.

**Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Фарҳод Шодмонов**нинг айтишича, вилоят ҳудудидан ўтувчи Тошкент — Термиз автомагистрал йўлида қор кўчишининг олдини олиш, довонларда автомобиллар ҳаракат қилишини таъминлаш мақсадида жанубий халқаро ва давлат аҳамиятига молик йўлларни сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси билан бирга қатор ишлар қилинди. Китоб туманидаги «Тахтақорача» ва Деҳқонобод туманидаги «Оқработ» довонларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун постлар ташкил этилди. Довонлардаги йўллар узлуксиз тозалаб келинмоқда.

Ўтган йили 19-21 декабрь кунлари вилоятнинг «Тахтақорача» ва «Оқработ» довонларида тайёргарлик ҳолатини синовдан ўтказиш мақсадида тактик-махсус ўқув машқлари ўтказилди.

— «Гулистон — Бўка — Ангрен — Қўқон — Андижон — Ўш» автомобиль йўлининг «Қамчиқ» довонида куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди, — дейди **Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Маҳкам Нурматов.** — «Қамчиқ» довонида автомобиллар ҳаракати барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун 15 та назорат гуруҳи ташкил этилган. Уларга Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда бошқа мутасадди хизматлар мутахассислари ва махсус машина-механизмлар бириктирилган. Бугунги кунга қадар назорат гуруҳлари юздан ортиқ турли ҳолатда йўловчи ва ҳайдовчиларга кўмак берди. Автомобиль йўлининг 146-174 километрида 24 та махсус автомобиллар тўхташ жойлари ташкил этилмоқда.

**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг матбуот котиби Ҳайдарали Мамадалиев** қишда қор кўп ёққани учун йўловчи ташувчи поездларга талаб бир қадар ошганини маълум қилади. Шуни инобатга олган ҳолда Қарши — Термиз йўналиши бўйича қатнаётган поездларга тўрттадан қўшимча вагон уланди. Шунингдек, Хоразм — Қорақалпоғистон йўналишида қатновчи поездларга ҳам учтадан қўшимча вагон тиркалди. Йўловчилар ҳозирги қишли-қировли кунларда поездга чиққач, вагондаги илиқ ҳавони дарҳол сезади, тоза-орасталикдан мамнун бўлади. Бунинг устига иссиқ чой, овқат, дейсизми, ҳаммаси тайёр. Қисқаси йўловчиларга барча шарт-шароит яратилган. Талабалар эса поездга имтиёзли чипта олиш ҳуқуқига эга, шунингдек, улар учун талабалар шаҳарчасида иккита касса очилди.

— Бугун магистрал йўлларда аҳвол қандай? Ўтган йили ноябрда об-ҳаво совиб кетди, қор кўп ёғди. Шунда йўл-транспорт ҳодисалари ортдими-йўқми? — Биз шу савол билан Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига мурожаат қилдик.

— Қишда транспорт қатнови кўп муаммо туғдиради. Шу боис транспорт қатновини жиддий назорат қилиш, йўл қоидаларига риоя этилишини таъминлаш йўловчилар хавфсизлигига хизмат қилади, — дейди **ИИВ ЙҲХББ матбуот хизмати катта инспектори, подполковник Мансуржон Рихсиев.**

Албатта, қорли-қировли кунларда пиёдалар ҳам хушёрликни ошириши шарт. Шунингдек, бу даврда рулга ўтирган ҳайдовчилар, айниқса, тажрибасиз ёшлар эҳтиёт бўлиши лозим. Умуман ҳайдовчи йўлга чиққач, об-ҳавога, йўл ҳолатига қараб иш кўрса, кўприклар, йўл ўтказгичлар устида музлама узоқ сақланиб туришини инобатга олса, тезликни меъёридан оширмаса, хато қилмаган бўлади.

— Қишнинг серёғин келиши кузги ғалла ва бошоқли дон экинларидан баракали ҳосил олишга замин яратмоқда, — дейди **Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш маркази тасарруфидаги суғориладиган ерларда ғалла ва дуккаклик ўсимликлар илмий-тадқиқот институти бўлими бошлиғи Абдулло Мансуров.** — Бу йил республика бўйича 1 миллион 300 минг гектардан ортиқ ерга кузги буғдой экилган. У ҳозир тиним даврига кирган. Кузги ғалла эса қиш серёғин келгани учун яхши ривожланмоқда. Тупроқ қатламида тўпланган намлик улар баракали ҳосил беришига замин яратади. Яна бу ўта эрта ва эрта пишар буғдой навлари учун ҳам ғоятда фойдалидир.

Баҳорги вегитация даврида кузги-қишки, баҳорги ёғингарчилик туфайли тупроқ 50-80 сантиметр қалинликда намланади, бу бошоқли экинлар ривожига туртки бериб, мўл ҳосил олишни кафолатлайди.

**Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ғўза селекцияси, уруғчилик ва агротехника бўлими бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Ренат Назаров:** — Ўтган йилларимизга қараганда бу йилги қишимиз анчагина серёғин бўлганлигини ҳисобга олиб, баҳор мавсумида намликдан унумли фойдаланган ҳолда ғўза экиладиган ер майдонларини бороналаш ишларини тупроқ етилиши билан ўтказиш талаб этилади. Қолаверса, суғориладиган деҳқончиликда, хусусан, пахтачиликда ер бир текис намланиши, сувдан тўла фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сифатли экиш, ўсимликларнинг бир текис ривожланиши ва улардан юқори ҳосил олишда даланинг намлиги ва текислиги муҳим аҳамиятга эга. Дала яхши текисланса, экин барвақт унади ва соғлом бўлади.

Хусусан, бу йилги ғўза экишга мўлжалланган далалар шудгор қилиб қўйилгани қишнинг қаҳратонли совуғи ва қорнинг кўп ёғиши далаларни уватиб етилтириши, бегона ҳар хил ўсимликларнинг уруғларини йўқотиши билан бирга пахта ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳамсуҳбатларимиздан бири юқорида «Янги йил баракали келмоқда», деган эзгу умидни билдирди. Дарҳақиқат, қишда қорнинг кўп ёғиши қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ошишига, дастурхонлар турли нознеъмат билан тўкин бўлишига, йилимиз баракали, турмушимиз фаровон кечишига замин яратади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**
**тайёрлади.**

Хориж

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАРИХИДА

*энг қаттиққўл санкция*



***Брюсселда Европа Иттифоқига аъзо 27 та мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлари томонидан Эронга нисбатан янги санкция якдиллик билан қабул қилинди. Мазкур чора Европа Иттифоқининг Эрон билан алоқалари тарихида илк бор кузатилган энг қаттиққўл санкция, дея қайд этилмоқда.***

15 та банддан иборат бу санкциянинг асосий белгиларидан бири Эрон нефтига эмбарго эълон қилишдир. Шу ҳафтадан эътиборан Европа компаниялари Эрон билан нефтга доир янги шартнома ва битимлар имзоламайди. 1 июлдан эса Эрон нефтининг Европага етказилиши бутунлай тўхтатилади.

Европа Иттифоқи мазкур санкцияни жорий этиш орқали Эроннинг ядро дастури бўйича олиб бораётган ишларига тўсқинлик қилиш ва мамлакатни бу борадаги музокаралар столига чорлашга мажбур этишдир.

Бироқ Эрон маъмурияти бу санкция чорасидан қўрқмаётганини билдирди, дейилади «Mail.ru» сайти тарқатган ахборотда. Негаки, Эрон экспортга чиқараётган нефтнинг 20 фоизинигина Европа олади. Асосий харидорлар Осиёдадир. Улар Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Жанубий Корея давлатларидир. Биргина Хитойга Эрон нефтининг 20 фоизи экспорт қилинади.

Ахборотда яна шу нарса таъкидланганки, мазкур санкция Европа мамлакатлари иқтисодиётига ҳам салбий таъсир этмай қолмайди. Чунки Эрондан импортга келаётган нефтнинг учдан икки қисмини Греция, Испания ва Италия олади. Биргина Грециядаги нефть маҳсулотлари захирасининг 35 фоизи айнан Эрондан келтирилган нефть ҳисобига шакллантирилади.

Демак, 1 июлгача бошқа нефть етказиб берувчи давлат билан музокарага эришиш Европа Иттифоқи олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

## ТАЪТИЛ МУДДАТИ

*қисқартирилади*



***Португалия иш берувчилари ва касаба уюшмалари мамлакатда меҳнат ислоҳотларини амалга оширишнинг тартиб-қоидалари юзасидан келишиб олдилар. Унга кўра, эндиликда ишчи-ходимларга йилда бир марта бериладиган меҳнат таътили муддати қисқартирилади, ишчи-ходимларнинг ишдан бўшаш тартиблари янада соддалаштирилади.***

«Reuters» АА хабарига қараганда, Португалия ҳукуматининг иш берувчилар ва касаба уюшмалар билан бу борада келишуви осон кечмади: мамлакатдаги йирик касаба уюшмалар бирлашмаси бўлмиш «Confederacao Geral dos Trabalhadores Portugueses» бундай келишувга умуман қарши эканлигини билдирди. Аммо мамлакатдаги яна бир йирик касаба уюшмалари бирлашмаси — «Union General de Trabajadores» бу келишувга имзо чекди.

Маълумки, Португалияда меҳнат ислоҳотларини амалга ошириш Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта жамғармасининг мамлакатга 78 миллиард евро миқдорида кредит ажратишининг асосий шартларидан биридир.

Иқтисодий инқироз исканжасида турган евроҳудуд аъзоси бўлмиш Португалияда ишсизлик 2011 йилнинг охирида рекорд даражага етган — 13,2 фоиз.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Реклама

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

## ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи | | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚС билан | ҚҚСсиз | |
| 1. | Самарқанд вилояти ҳудудидан ўтувчи М-39 автомобиль йўлининг 1120-километридаги йўл патрул постини реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш | 3 358 897 976 сўм | 2 799 081 647 сўм | 10 ой |
| 2. | Каттақўрғон шаҳридаги 150 ўқувчи ўринли 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши | 2 112 060 570 сўм | 1 760 050 475 сўм | 7 ой |
| 3. | Пастдарғом туманидаги 150 ўқувчи ўринли 11-болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш | 1 489 625 270 сўм | 1 241 354 392 сўм | 7 ой |
| ЛОТ 1-4 «Баркамол авлод» болалар марказлари: | | | | |
| Лот-1 | Самарқанд шаҳар Ипак йўли кўчаси, 13-А уйдаги «Баркамол авлод» болалар маркази (собиқ ёш техниклар маркази биноси)-ни капитал таъмирлаш | 526 406 155 сўм | 438 671 796 сўм | 5 ой |
| Лот-2 | Каттақўрғон шаҳар, А.Навоий кўчаси, 113-уйдаги «Баркамол авлод» болалар маркази (собиқ УИМ биноси)ни капитал таъмирлаш | 311 946 938 сўм | 259 955 782 сўм | 4,5 ой |
| Лот-3 | Жомбой туманидаги 56-мактабнинг 4-қаватли биносини 3-4 қаватларини «Баркамол авлод» болалар маркази учун капитал таъмирлаш | 237 709 806 сўм | 198 091 505 сўм | 4 ой |
| Лот-4 | Нуробод туманидаги 61-мактаб филиалини «Баркамол авлод» болалар маркази учун капитал таъмирлаш | 223 909 642 сўм | 186 591 368 сўм | 4 ой |

*Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи | | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚС билан | ҚҚСсиз | |
| Лот 1-3 спорт заллар қурилиши: | | | | |
| Лот-1 | Булунғур туманидаги 11-мактабга 12х24м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши | 301 081 584 сўм | 250 901 320 сўм | 6 ой |
| Лот-2 | Тайлоқ туманидаги 24-мактабга 12х24м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши | 302 358 605 сўм | 251 965 504 сўм | 6 ой |
| Лот-3 | Каттақўрғон шаҳридаги 8-мактабга 12х24м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши | 294 217 930 сўм | 245 181 608 сўм | 6 ой |

***Қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

***Савдо ташкилотчиси*** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи:*** Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

***Манзили:*** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони 1-уй, ***телефон:*** (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги карорига асосан **Лот 1-4 «Баркамол авлод» болалар маркази биноларини капитал таъмирлаш ва Лот 1-4 спорт заллар қурилиши** бўйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

***Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:*** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибага, кўникмаларга эга бўлишлари, ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

***Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялар эътиборга олинади:*** қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус -2Д, 403-хона.**
**тел. 231-13-51,**
**факс. 233-32-00.**

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри Кўк-Сарой майдонида соат 10-00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида** ўтказилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАЛАРИ АКЦИЯСИ:

# «ҲАР ГЎДАКНИ МЎЪЖИЗА ДЕБ БИЛИНГ, ҚУТҚАРИШИ МУМКИН ДУНЁНИ!»

**Таҳририятимиз бошлаган акцияни давом эттириш мақсадида Андижон вилоятига йўл олдик. Доимий ҳамкорларимиз «Ниҳол» мукофоти совриндори, хонанда Каниза ва Мурод Мадраҳимовлар бизга ҳамроҳ бўлишди. Мутасаддилар ушбу акцияни Қўрғонтепа туманидаги Мурувват уйида ўтказишни маслаҳат беришди.**



**Бир гўзал аёлга «Севаман» дедим — Тошлар уйғонди.
Бир жабр кўрганга «Дўстимсан» дедим — Тоғлар уйғонди.
Бир жужуқ етимнинг кўз ёшин артдим — Дунё уйғонди...**

Мурувват уйида янги йил байрами шукуҳи сезилиб турибди. Бизни туман ҳокими, ЎзХДП фаоли Авазбек Эргашев ушбу муассаса фаолияти билан таништирди. Сўнгра байрам бошланди. Мазкур даргоҳда тарбияланаётган болаларнинг аксарият қисми ҳаракатлана олмагани сабабли тадбир икки босқичда ўтказилди. Ҳомийларнинг совғалари тарқатилди. Қолган совғалар эса хоналарга чиқиб, тарбияланувчиларга топширилди. Бир сўз билан айтганда, муҳташам залда бошланган шодиёналар хоналарга кўчди.

**— Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратадиган Ўзбекистондай мамлакат дунёда бўлмаса керак, — дейди Қўрғонтепа туман ҳокими ўринбосари, ЎзХДП аъзоси Феруза Абдуллаева. — Шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан ногиронлар, боликдан ногиронларга изчил ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Улар ҳеч қачон ўзларини ёлғиз ҳис қилишмайди. Бирон нарсага муҳтож бўлишмайди. Ҳомийлар меҳр-саҳовати туфайли эса уларнинг кўнгли янада кўтарилади. Мана бугун пойтахтдан сизлар ҳам шу қоракўз, азиз болаларни йўқлаб келгансизлар. Мен ўз номимдан, болалар номидан сизларга миннатдорчилик билдираман.**

— Айни пайтда бу ерда 160 нафар бола тарбияланмоқда, — дейди **Мурувват уйи директори Олимжон Насриддинов**. — Уларнинг 67 нафари қиз, қолгани ўғил болалардир. Мурувват уйимизда улар 18 ёшгача тарбияланади, кейин катталар мурувват уйларига ўтказилади. Бугун бўлиб ўтаётган тадбир болаларга жуда ҳам манзур бўлмоқда. Қаранг, улар қанчалик шодланиб рақсга тушишяпти. Бундан биз бутун жамоамиз билан хурсанд бўлдик. Савобли ишларингиз бундан кейин ҳам давом этсин.

— Биз Мурувват уйида бўладиган ҳар қандай тадбирда иштирок этишга, ташкилий ишларда кўмаклашишга интиламиз, — дейди **Қўрғонтепа туман «Камолот» ЁИҲ етакчиси Фотима Сиддиқова.** — Ўзингиз гувоҳи бўлдингиз, бугунги тадбирда йигитларимизнинг рақс дастурлари болаларга ёқди.

Концерт дастурида андижонлик хонандалар ҳам иштирок этишди. Улар қўшиқ куйлаётган пайтда Каниза билан Феруза Абдуллаева тўшакка михланиб қолган болалар билан суҳбатлашди.

— Болаларнинг бу ҳолда дунёга келганига асосий сабабчи уларнинг ота-оналари, — дейди **Феруза Абдуллаева**. — Аксарияти қариндошлар ўртасидаги никоҳ натижасида ёки ота ё она ичкиликбозликка берилгани, гиёҳванд моддалар истеъмол қилгани сабабли дунёга келишган.

— Тўшакда ётган болаларни кўриб кўнглим бузилиб кетди, — дейди **Каниза**. — Улар ҳам бошқа тенгдошлари каби югуриб ўйнаб юришлари, ота-оналарининг бағрида яшашлари мумкин эди. Бу йил Президентимиз томонидан Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинди. Соғлом туғилган бола оилани мустаҳкам қилади. Афсуски, баъзида ногирон болалар туғилса, оилага дарз кетиши ҳолатлари ҳам учрайди. Аммо фарзанднинг қандай дунёга келиши аввало ота-онага боғлиқ. Шундай экан, турмуш қураётган ҳар бир ёш нафақат ўзлари, балки бўлажак фарзандлари ҳақида ҳам ўйлашлари керак.

— Акаси, мана бу қизча билан ҳам гаплашиб кўринг-а, жуда чиройли шеър ўқийди, — дейди **Мурувват уйи ходими Феруза Усмонова**. — Жуда зеҳни ўткир қиз. Шеърларни тез ёдлайди. Аммо юра олмагани боис ота-онаси бизнинг қарамоғимизга қолдиришган. Мен бу ерда 24 йилдан бери ишлайман. Ўтган давр мобайнида жуда кўп ҳолатларга гувоҳ бўлдим. Истардимки, ҳеч кимнинг боласи ногирон туғилмасин, ҳамма ўз уйида, ота-онасининг бағрида ўсиб-улғайсин.

Феруза опа таништирган қизча билан суҳбатлашдик.

— Исмим Мадина, ўн ёшга тўлдим, — деди у. — Шеър ёдлашни яхши кўраман. Бўлаётган концерт менга ва дўстларимга ёқаяпти. Даврада рақс тушаётганларга ҳавасим келяпти...

Тадбир таасуротлари ҳақида Мурувват уйи тарбияланувчилари қуйидагиларни гапириб беришди.

**Ҳаётхон:**

— Яқинда ўн ёшга тўлдим. Дугонам Мадина билан иккаламиз бирга шеър ёдлаймиз. Бундан ташқари расм чизишни ҳам яхши кўраман. Тошкентдан бизни кўриш учун келганларга раҳмат. Мен Тошкентдан яна кўп-кўп артистлар, шоирлар, циркчилар, қизиқчилар келишини хоҳлайман.

**Сергей:**

— Ёшим ўн учда. Бугун дўстларим билан маза қилиб ўйнадик. Бизга совғалар беришди. Ҳаммага каттакон раҳмат. Келган меҳмонлар билан дўстлашиб қолдим. Энди уларни соғинаман...

Яқинда ўқиган шеъримда мана бундай сатрлар бор эди: **Бир гўзал аёлга «Севаман» дедим — Тошлар уйғонди. Бир жабр кўрганга «Дўстимсан» дедим — Тоғлар уйғонди. Бир жужуқ етимнинг кўз ёшин артдим — Дунё уйғонди...**

Бизнинг назаримизда ҳам Андижоннинг Қўрғонтепасида Дунё уйғонди. Болалар қувончи, кулгуси оламни тутди. Аслида ҳам умидимиз шу, мақсадимиз шу эди. Дунёни ҳамиша яхшилик, эзгулик, яхши одамлар уйғотади, қутқазади...

**«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг акцияси: «Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, қутқариши мумкин дунёни!» шиори остида давом этади!**

**Темур АЪЗАМ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Тадбир

**Жорий йилнинг 23-28 январь кунлари 8 ва 9 ёшли болалар вирусли гепатитнинг «В» турига қарши тўртинчи марта қайта эмланади. Болаларни бу хасталикдан муҳофазалашнинг самарали йўли касаллик юқиш эҳтимоли юқори бўлган гуруҳни профилактик эмлашдан иборат.**

# ВИРУСЛИ ГЕПАТИТГА ҚАРШИ ЭМЛАШ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамкорликда эмлаш тадбирини самарали ўтказиш учун тизимнинг етакчи мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари учун семинар ўтказди.

— **Республика бўйича 9636 та эмлаш бригадаси, 5600 та эмлаш пункти ташкил этилди,** — деди Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология назорати **Бош бошқармасининг бош мутахассиси Дилором Турсунова.**

— **Махсус тайёргарликдан ўтган 10 мингдан ортиқ врач, 19272 нафар эмлаш ва патронаж ҳамширалари, мактабгача таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйларининг ходимлари эмлаш тадбирида иштирок этади.**

Дарҳақиқат, болаларни гепатитнинг «В» турига қарши эмлаш учун Ҳиндистоннинг «Serum Institute LTD» МЧЖ фирмаси ишлаб чиқарган «Вирусли гепатитнинг «В» турига қарши вакцина» олиб келинди. Вакциналар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология назорати марказларига етказилди. Таъкидлаш керакки, бу вакцинанинг хавфсизлиги Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг махсус сертификати билан кафолатланган. Эмлашдан олдин ҳар бир бола, тиббий кўрикдан ўтказилиши лозим.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# МАРКАЗИЙ БУЮМ САВДО МАЖМУАСИ ИШ БОШЛАДИ

**Қарши шаҳрида «Янги бозор» қайта қурилиб, унинг ўрнида замонавий «Қарши Марказий буюм савдо мажмуаси иш бошлаяпти.**

Кенг қамровли реконструкция ишлари олиб борилиб, 215 та замонавий турғун савдо шохобчалари барпо этилди. Савдо мажмуасида тадбиркорлар ва истеъмолчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

**Музаффар ТУРОПОВ,**
**жамоатчи мухбиримиз.**

Спорт

# МУҲИМ УЧРАШУВГА ЖИДДИЙ ҲОЗИРЛИК

**Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича «Dubai Matchworld Cup 2012» халқаро турнири ниҳоясига етди. Дунёнинг турли минтақаларидан саккиз жамоа ғолиблик учун кураш олиб борган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз ҳам муносиб иштирок этди.**

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчилари «А» гуруҳида Россиянинг «Зенит» (Санкт-Петербург) ҳамда Швейцариянинг «Ксамакс» жамоалари билан куч синашди. Дастлабки учрашувда рақибларига 2:1 ҳисобида имкониятни бой берган бунёдкорчилар иккинчи ўйинда швейцарияликлар устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Натижада ўз гуруҳида иккинчи поғонани эгаллаган Миржалол Қосимов шогирдлари учинчи ўрин учун кечган баҳсда Украинанинг «Шахтёр» (Донецк) вакилларига қарши тўп сурдилар. Унда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Мусобақа низомига кўра ғолиб номи пенальтилар сериясида аниқланди ва унда омад «Бунёдкор» жамоасига кулиб боқди — 5:4.

Айни чоғда Лондон олимпиадаси саралаш баҳсларига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси учун Дубай турнири ўзига хос синов вазифасини ўтаб берди. Олимпиячиларимиз мусобақанинг «В» гуруҳида аввалига «Шахтёр» жамоасини мағлубиятга учратди, иккинчи ўйинда Россиянинг «Ростов» футболчиларини енгди — 1:0. Шу тариқа олимпиячиларимиз финалга йўлланмани қўлга киритдилар.

Ҳал қилувчи баҳсда Россия чемпиони — «Зенит» жамоаси аъзолари ҳамюртларимиз билан куч синашди. Кутилмаганда учрашувнинг 5-дақиқасида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси дарвозабони Акбар Тўраевнинг майдондан четлатилганлиги футболчиларимизнинг ҳужумкор ўйин намойиш қилишларига халал берди. Майдонда бир киши кам бўлиб ҳаракат қилишларига қарамай, олимпиячиларимиз 68-дақиқагача рақибга муносиб қаршилик кўрсатишди. Аммо якунда тажриба барибир ўз сўзини айтди — 0:5.

**Эркин ХОЛБОБО**

Таклиф

# «СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРҒИБОТЧИСИ»

**Шерobод тиббиёт коллежи директори Рустам Мардоновнинг ҳамшираларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча имкониятлар ва маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича тайёрлаган лойиҳаси кўпчиликка маъқул бўлмоқда.**



«Маҳалла соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси» низоми дастлаб Шеробод тиббиёт коллежи педагогика кенгаши йиғилишида кўриб чиқилгач, ўтган йилнинг май ойида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий таълимни ривожлантириш Маркази қошидаги услубий кенгашда муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Мазкур лойиҳа асосида Шеробод туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллалар, ҳар бир маҳалладаги уй-хўжаликлар, бир ёшгача бўлган болалар, аёллар, шу жумладан, туғиш ёшидаги аёллар сони ўрганиб чиқилди. Туманда 48 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, 30 000 дан, вилоят бўйича эса 400 000 дан ортиқ уй-жой хўжаликлари мавжуд.

— Ҳар юзта уй-хўжаликка бир нафардан тиббиёт ходими беркитилса, вилоят бўйича 4000 нафар битирувчини ишга жойлаштириш мумкин бўлади, — дейди лойиҳа муаллифи, Рустам Мардонов. — Ҳар бир ҳамшира аҳолига пуллик хизмат кўрсатиб, ойига юз минг сўмдан маблағ ишласа, 4000 нафар ҳамшира ҳар ойда тўрт юз миллион, йил давомида эса тўрт миллиард саккиз юз миллион сўм маблағ топишга эришади. Ана шу маблағнинг 25 фоизини тиббиёт бирлашмалари хазинасига тўлайдиган бўлса, бир йилда вилоят бўйича 480-500 миллион сўм атрофидаги пуллик хизмат шифохоналар хазинасига кирим қилинади.

— Тиббиёт коллежини битириб, уйда ўтирган ҳамширалар ҳозир ҳам қўшниларга тиббий хизмат кўрсатмоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими вакиллари. — Лекин уларга жавобгарлик масъулияти юкланмаган. Агар лойиҳа бўйича ҳамширалар хонадонларга бириктирилиб, қишлоқ врачлик пунктлари ва кўп тармоқли поликлиникаларнинг шифокорлари раҳбарлигида иш олиб боришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

«Маҳалла соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси» фаолияти тўғрисидаги низомда тиббиёт бирлашмаларининг ҳамда тиббиёт коллежи раҳбарларининг вазифалари аниқ кўрсатилган.

Коллеж битирувчиларини «Маҳалла соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси» вазифасига қабул қилиш тартиби, унинг фаолиятини молиялаштириш ва уларнинг ишга жойлашувини назорат қилиш аниқ кўрсатилган, — дейди Вилоят Давлат Санитария Эпидемология назорати Маркази бош врачи, тиббиёт фанлари доктори А.Мустанов.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Т.Арзиқулов эса, «Маҳалла соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси» лойиҳасининг амалга ошиши аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини татбиқ қилиш, ишга жойлашолмаган айрим ҳамширалар бандлигини таъминлашда катта самара беришини таъкидлади.

**Абди ҚОДИРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ОБ-ҲАВО 26-27 – 01. 2012**

*Юртимиз бўйлаб (°C)*

| Ҳудуд | Тун | Кун |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -7 / -12 | 0 / -5 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | -1 / -6 | 0 / -5 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | -1 / -6 | +1 / +6 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | 0 / -5 | +3 / +8 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | -1 / -6 | -2 / -3 |
| Тошкент шаҳри | -1 / -3 | +1 / +3 |

*Дунё бўйлаб (°C)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +2 / +3 |
| Париж | +8 / +9 |
| Москва | -11 / -12 |
| Мадрид | +4 / +6 |
| Пекин | -11 / -9 |
| Гонгконг | +14 / +13 |
| Рим | -2 / +1 |
| Анқара | -1 / 0 |
| Токио | +1 / +2 |
| Стокгольм | -1 / -2 |
| Кейптаун | +20 / +21 |
| Қоҳира | +24 / +25 |
| Гавана | +20 / +21 |
| Вашингтон | +2 / +3 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 146
19452 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 22.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: To'lqin TO'RAXONOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5